БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 49 (1569) | 9 март, чоршанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Совет хотин-қизлари мукофотланди

Халқаро хотин-қизлар кунининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан, меҳнатда жуда катта муваффақиятларга эришганликлари ва гоят самарали жамоатчилик фаолияти учун саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият соҳасида ишлаётган илғор хотин-қизлар ва атоқли жамоат арбобларидан 253 кишига СССР Олий Совети Президиумининг 1960 йил 7 март Фармонига мувофиқ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди ва уларга Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва болга» олтин медали топширилади.

Халқаро хотин-қизлар кунининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан, Совет Иттифоқи хотин-қизларининг коммунистик қурилишда актив қатнашганликлари ва ёш авлодни тарбиялаш соҳасида Совет давлати олдидаги хизматлари учун, меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришганликлари ва самарали жамоатчилик фаолияти учун СССР Олий Совети Президиумининг шу йил 7 март фармонига мувофиқ, 2380 киши Ленин ордени билан, 2652 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 1412 киши «Ҳурмат белгиси» ордени билан, 3616 киши «Шавкатли меҳнат учун» медали билан мукофотланди. (ТАСС).

Битта боғ бир маҳаллани боқади, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, серҳосил мевазор боғлар, баракали узумзорлар хонадон дастурхонини тўкин қилади, соя-салқини билан кишига роҳат бахш этади. Бинобарин озиқ-овқат саноатимиз ҳам хомашёга сероб бўлади. Шу сабабли партиямиз мевачилик ва боғдорчиликни фаровонлик манбаъларидан бири деб, уни ривожлантиришга доимо катта эътибор бериб келмоқда. Бу — мамлакатимизда коммунистик жамият қуришнинг улуғвор программаси бўлган етти йиллик планда ҳам ўз ифодасини топган.

Республикамизнинг, жумладан Тошкент областининг хилма-хил анвойи мевалари ва ширин-шарбат узумларининг таърифи иттифоқимиз бўйлаб ёйилган. Калинин районидаги Карл Маркс номли, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Янгиер шаҳридаги Карл Маркс номли колхозлар ва бошқа бир қанча хўжаликларнинг боғ-роғларига ҳавасингиз келади. Бу хўжаликлар боғдорчиликдан ҳар йили 100 минг сўмлаб даромад олмоқдалар.

БОҒ-РОҒЛАР КЎПАЙСИН

Лекин областимизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш йўлида ўзбек халқининг мевачиликка бўлган традицион муҳаббати ва ажойиб соҳибкорлигидан, жуда катта майдонлардаги ер ресурслари ва қулай имкониятлардан ҳамон яхши фойдаланилмаётир. Бу нуқсон Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг шу йил февраль ойида «Ўзбекистон ССР да боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш тўғрисида» қабул қилган қарорида ҳам таъкидлаб кўрсатилган. Қарорда областимизнинг Тошкент, Бўстонлиқ билан Паркентнинг тоғ ҳамда тоғ этаклари, Мирзачўл-Далварзин зоналари ва Ҳовос тоғ этаги зоначасида боғдорчилик билан узумчиликни етти йилликда кенг миқёсда ривожлантириш юзасидан катта вазифалар белгиланган.

Шаҳар ва қишлоқларимизда баҳор нафаси кезмоқда, дов-дарахтлар ва гуллар куртак чиқара бошлади. „ишнинг кўзини биладиган деҳқон ерга эртаги экин уругини ташлаётир. Ҳамма ёқни аста-секин яшил либосга ўраётган баҳор қўли гул инсонни кўкаламзорлаштириш ва ободончилик ишларига жадал киришишга чорламоқда. Хуллас, авжи мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экадиган, узумзор барпо қиладиган пайт. Март ойининг ғаниматкунларида экилган новда-ниҳоллар тез жонланиб, яхши ўсади. Меваларнинг шигил-шигил бўлиши, яшаб турган жойимизнинг соя-салқинга бурканиши шу кунда, вақти-соатида ниҳол ўтказилишига боғлиқ. Ана шу ғаниматкунларни ҳисобга олиб, республика Компартияси Марказий Комитети бюросининг қарори билан Ўзбекистонда ҳозирги вақтда «кўчат экиш ойлиги» ўтказилмоқда.

Областимизнинг кўп жойларида серҳосил боғ-роғлар барпо қилиш, шаҳар ва районларни, ҳовли ва майдонларни кўкаламзорлаштириш иши қизғин давом этмоқда. Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ойликда уюшқоқлик билан қатнашиб, кундалик кўчат ўтказиш нормасини ошириб бажармоқдалар. Чиноз, Қуйи Чирчиқ ва Оржоникидзе районларида ҳам ойлик намунали ўтаётир.

Аммо об-ҳаво шароитининг яхши келаётганига қарамай областда кўкларни дарахт ўтказиш ишлари қониқарли эмас. «Кўчат экиш ойлиги»да областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида 15 миллион 345 минг тup мевали ва манзарали дарахтлар, ток кўчатлари ўтқазилиши керак. Ойликнинг ярми ўтиб бораётганига қарамай энди 5 миллионга яқин дарахт ва ток кўчатлари ўтқазилди, холос. Гулистон, Оққўрғон районлари, Чирчиқ шаҳри, «Главголодностепстрой», область ижроия комитетининг автомобиль ва тош йўллар, қишлоқ хўжалиги ҳамда суғориш шоҳобчалари бошқармалари областимизни айникса орқага тортмоқда. Ғаниматкунлар ўтиб бораётганига қарамай бу районлар ва ташкилотларда ҳали кўзга кўринарли иш қилингани йўқ. Ҳали ҳам фурсат бор. Бепарволик ва ўзибўларчилик кайфиятларига барҳам бериб, барча имкониятларни ишга солган ҳолда «кўчат экиш ойлиги» планини 25 мартгача бажариш тадбирларини кўриш керак.

Областимиз шаҳарларида меҳнаткашлар шанбаликлар ташкил этиб, ўзлари яшаб турган жойларни обод ва кўкаламзор қилишда ташаббус кўрсатаётирлар. Коммунал хўжалик бўлимлари, уй-жой бошқармалари ва маҳалла комитетларининг раҳбарлари бу яхши ватанпарварлик ташаббусига бошчилик қилиб, уни кенг кўламда оммалаштиришлари зарур.

Кўкламда ўтқазилган дов-дарахтларни, узумзорни, ёз бўйи илғор агротехниканинг прогрессив усуллари асосида меҳр билан парвариш қилиш керак. «Боғни боқсанг боғ бўлади, ботмон даҳсар ёғ бўлади» деган ҳикматли сўз бечиз айтилмаган. Лекин афсуски, бепарволик орқасида ҳар йили минг-минглаб кўчат, қаламчалар қуриб қолаётир, синиб, нес-нобуд бўлмоқда. Жойларда ҳаётимиз учун жуда зарур ва фойдали бўлган яшил бойликни ҳаммамиз ўз оталигимизга олиб, муҳофаза қилайлик. Бу ишда комсомол ташкилотлари ташаббус кўрсатишлари, ёшларда яшил бойлик ва меҳрибонлик ҳиссини кучайтиришлари лозим.

Тутзорни кўпайтириш ҳам жуда фойдали. Бир тup тут экканинг киши бир қути ипак қуртини боқиб, савдо-сотиб пилла олади. Бу соҳада тут кўчатлари экиш планини 237 процент қилиб бажарган Қуйи Чирчиқ районининг меҳнаткашларидан ўрнак олса арзийди.

Баҳор кутиб турмайди. Мевазор ва соя-салқин боғлар барпо қилиш учун март ойининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш керак. Шаҳар ва районларнинг партия комитетлари ва ижроия комитетлари кўкламги кўчат ўтқазиш ишларида кескин бурилиш ясаш учун барча тадбирларни кўришлари зарур.

Боғ-роғларимиз кўпайсин, меваларимиз мўл-кўл, ширин-шарбат узумлар сероб бўлсин!

Н. С. Хрушчев Франция Миллат мажлисининг раиси Жак Шабан-Дельмасни қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 7 мартда Кремлда Франция Миллат мажлисининг раиси Жак Шабан-Дельмасни қабул қилди ва у билан дўстона суҳбатлашди. (ТАСС).

Мамлакатнинг донгдор хотин-қизларига СССР орден ва медаллари топширилди

8 мартда Катта Кремль саройида Халқаро хотин-қизлар кунининг 50 йиллигини нишонлаш муносабати билан юқсак ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган хотин-қизлардан катта бир группасига Совет Иттифоқи орден ва медалларини топшириш маросими бўлди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. С. Коротченко, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Эстония ССР Олий Совети Президиумининг раиси И. Г. Эйхфельд, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Н. Органов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари А. А. Андреев, С. М. Буденний, В. И. Устинов мукофотларни топширдилар.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет, касаба союз, комсомол ва бошқа ташкилотларининг ходимлари орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, КПСС кекса аъзолари А. В. Артюхина ва Е. Д. Стасова, Москва областидаги В. И. Ленин номли Глухово ип газлама комбинатининг йигирувчиси Л. И. Ананьева, Мурманск Халқ хўжалиги кенгашига қарашли катта музлатиш балиқ овлаш траулерининг капитани В. Я. Орликова, Москва область, Люберецы районидаги Красковский қишлоқ участка касалхонасининг бош врачи А. И. Чеботарева ва бошқа кўпгина кишилар Ленин орденлари, «Ўроқ ва Болга» олтин медаллари ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқларини олдилар.

Хотин-қизлар ўзларининг Ватан бахт-саодати йўлида, совет халқининг бахт-саодати йўлида қилган меҳнатларига юқсак баҳо берилганлиги учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чин қалбдан ташаккур изҳор этдилар. Улар етти йиллик план топшириқларини ҳал этишда, мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишида янада активроқ қатнашмоқ учун ўзларининг бутун кучларини, бутун маҳоратларини, билимларини сарфлаяжакларини айтдилар. (ТАСС).

ОРДЕНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Халқаро хотин-қизлар кунининг 50 йиллигини нишонлаш муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг 1960 йил 7 март Фармонига биноан меҳнатда, жамоат ишларида самарали фаолият кўрсатган саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият илғорлари, кўзга кўринган хотин-қиз жамоат арбобларидан 253 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берилди ва уларга Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болга» олтин медали топширилди.

Ўзбекистон ССР хотин-қизларидан 12 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берилди:

Бозорова Шарофат — Тошкент область 1-«Боёвут» совхози трактордалачилик бригадасининг бошлиғи.

Базиева Мария Николаевна — Ўзбекистон ССР Фарғона тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси.

Воспитанникова Надежда Ефимовна — Олтинтопган комбинати саралаш фабрикасининг флотатори.

Исломова Раҳима Евбўриевна — Самарқанд область Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхознинг раиси.

Камолова Ойим — Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи.

Қурбонова Момажон — Хоразм область Урганч районидаги Калинин номли колхознинг звено бошлиғи.

Майорова Мария Метрофановна — Сурхондарё область Термиз пахта тозалаш заводининг смена мастери.

Сайфуддинова Маймонча — Фарғона область Олти ариқ районидаги «Ленинград» колхозининг сут соғувчиси.

Удалова Наталья Александровна — Тошкент шаҳар «Ташсельмаш» заводининг силлиқловчиси.

Хусанова Қизбиби — Бухоро область Ғиждувон районидаги Ленин номли колхознинг раиси.

Йўлдошева Майрамхон — Андижон область Олтинкўл районидаги Тельман номли колхоз раиси.

Йўлдошева Марҳамат — Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув фабрикасининг ишчиси.

* * *

Халқаро хотин-қизлар кунининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан, Совет Иттифоқи хотин-қизларининг коммунистик қурилишда актив қатнашганликлари ва ёш авлодни тарбиялаш соҳасида Совет давлати олдидаги хизматлари учун, меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришганликлари ва самарали жамоатчилик фаолияти учун СССР Олий Совети Президиуми 1960 йил 7 март Фармони билан қуйидагиларни мукофотлади:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Абдухонова Бибиойша — Тошкент областидаги — 4-«Вревский» наслчилик совхозининг сут соғувчиси.

Александрова Зинаида Яковлевна — Тошкент шаҳридаги «Таштекстильмаш» заводининг опиловкачиси.

Александрова Мария Васильевна — Тошкент шаҳридаги электр лампа заводининг старший мастери.

Белова Любовь Андреевна — Тошкент шаҳридаги 158-қурилиш трестининг кранчиси.

Бубатова Ойша — Тошкент область, Бекобод шаҳридаги 704-УНР ғиштчилар бригадасининг ишчиси.

Забирова Евгения Семёновна — Тошкент шаҳридаги 532 — УНР-нинг газосваркачиси.

Зверкова Пелагея Петровна — Тошкентдаги «Подъёмник» заводининг токари.

Исроилова Хайри — Тошкент шаҳридаги Каноп фабрикасининг тўқувчиси.

Исҳоқова Бўриниса — Тошкент шаҳар Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг сут соғувчиси.

Комилова Зуҳра — Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси.

Квон Роза Криловна — Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг сут соғувчиси.

САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ, ПАРТИЯ, СОВЕТ, ҚАСАБА СОЮЗ, КОМСОМОЛ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИЛҒОР ХОТИН-ҚИЗЛАРИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

Кузнецова Мария Федоровна — ишчи.

Кульбида Полина Федоровна — Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон трактор-йигиш заводининг токари.

Любченко Пелагея Алексеевна — Тошкент электромеханика заводининг слесари.

Малявина Евгения Лукинична — В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи «300» прокат станининг оператори.

Миркина Евдокия Андреевна — Тошкент шаҳар, экскаватор заводи пўлат қуйиш цехининг стерженчиси.

Насриддинова Ёдгор Содиқовна — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси.

Нурматова Дуся — Тошкент шаҳар «Ўзбексельмаш» заводининг оператор-лаборанти.

Педикова Валентина Трофимовна — Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати 3-йигириш фабрикасининг йигирувчиси.

Раззоқова Замира — Тошкент шаҳар Октябрь районидаги босмахонанинг фальцовкачиси.

Реснянская Екатерина Петровна — Тошкент область, Бекобод цемент комбинати ишлаб чиқариш цехининг мастери.

Реут Людмила Александровна — Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи чўян қуйиш цехининг стерженчиси.

Селенкова Антонина Васильевна — Тошкент тепловоз депосининг электросваркачиси.

Светашова Любовь Андреевна — Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати 1-сон тўқув фабрикасининг тўқувчиси.

Тазова Варвара Игнатьевна — Тошкент область, Гулистон районидаги парранда чилик совхозининг парранда боқувчиси.

Умарова Ҳабиба — Тошкент лакбўёқ заводининг аппаратчиси.

Шодмонова Сорахон — Тошкент область, Гулистон районидаги «Ленинград» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

Шемчук Матрёна Панасовна — Тошкент область, Оҳангарон шаҳар «Ўзбекуголь» комбинати 9-шахтасининг мотористи.

Ширшикова Зоя Анисимовна — Тошкент область, Чирчиқ электрокимё комбинати фильтрларни йиғиш аппаратчиларининг бригадири.

Шчеблакова Мария Семёновна — Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикасининг тикувчиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Насиба Абдуллаевна — Тошкент шаҳар Киров районидаги 5-сон юқумли касалликлар шаҳар касалхонасининг врачи.

Антонова Раиса Николаевна — Тошкент область, Чирчиқ шаҳридаги тикувчилик фабрикаси тикиш агрегатининг мастери.

Блинова Валентина Ильинична — Тошкентдаги «Таштрансмаш» заводи қуйиш цехининг кочегари.

Брикова Елена Федоровна — Тошкент шаҳридаги 3-нон заводининг мастери.

Булигина Евдокия Тимофеевна — Тошкент шаҳар 77-УНР сувоқчиси.

Вечеканова Мария Тихоновна — Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводи пневматик болғасининг машинисти.

Габченко Антонина Кузьминична — Тошкент шаҳридаги 1-сон пахта заводининг трамбовкачиси.

Ғойибжонова Шамсиқамар Файзуловна — Тошкент шаҳар Ленин районидаги шахсий пенсионери.

Гребенкина Анна Николаевна — Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг сут соғувчиси.

Жўрабоева Турсун — наққош.

Иброхимова Тўрахон — Тошкент шаҳар Ленин район шахсий пенсионери.

Илёсова Елена Дмитриевна — Туркистон ҳарбий округи штабининг старший офицери.

Исломова Соҳиба — Тошкент найпоқ-трикотаж фабрикасининг цех бошлиғи.

Қобилжонова Комила — Тошкент область, Чирчиқ шаҳар 160-қурилиш трести 225-УНР ишчиси.

Кузьмина Анна Дмитриевна — Тошкент область, Алимкент пахта тозалаш заводининг трамбовкачиси.

Маҳмудхўжаева Раъно — Тошкент шаҳридаги 2-пойафзал фабрикасининг қолипловчиси.

Мирбоева Латифа — Тошкент область, Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг звено бошлиғи.

Павлова Ольга Николаевна — Тошкент медицина институтининг кафедра мудири.

Палюнина Анна Дмитриевна — Тошкент область, Янгийўл районидаги Киров номли колхоз тракторда-лачилик бригадасининг бошлиғи.

Раҳимбоева Заҳро — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари.

Саломова Мафруза Нуғалиевна — Тошкент область, Сирдарё районидаги Ленин номли колхознинг зоотехниги.

Селиверстова Мария Николаевна — Тошкент шаҳар «Ташкенткабель» заводи марказий завод лабораториясининг бошлиғи.

Семенчина Антонина Васильевна — Тошкент 1-пойафзал фабрикасининг ишчиси.

Сергеева Антонина Кузьминична — Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари.

Смирнова Анна Ивановна — Тошкентдаги «Ташсельмаш» заводининг ишчиси.

Соловьева Ирина Яковлевна — ишчи.

Старикова Наталья Ивановна — Тошкент шаҳар «Назарбек» совхозининг чўчқа боқувчиси.

Танжарикова Марзия — Тошкент область Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг сут соғувчиси.

Ткаченко Зоя Яковлевна — Тошкентдаги «Ташавтомаш» заводининг кранчиси.

Тўраева Ҳолбиби — Тошкент область, Янгиер шаҳар «Фарҳод» тажриба хўжалиги трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

Чепрунова Антонина Васильевна — Тошкентдаги 1-тикувчилик фабрикасининг мотористи.

Шулякова Надежда Аламовна — Тошкент тамаки фабрикаси тахлаш машинасининг машинисти.

Йўлдошева Назира — Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг аъзоси.

Юнусова Ойша — штамповкачи.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Одилова Матлуба — Тошкент шаҳар «Фрунзевец» газета босмахонасининг муковачиси.

Баженова Анисья Ивановна — Тошкент темир йўли Қўқон вагон депосининг вагонлар кузатувчиси.

Гасюк Виктория Юрьевна — Тошкент почтамтининг контролери.

Гордеева Инна Ивановна — Тошкент шаҳар «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг бош архитектори.

Эшонхўжаева Обида — Тошкент шаҳридаги 17-поликлиникининг бош врачи.

Эшмуротова Муҳаббат Муратовна — Тошкент область, Оҳангарон шаҳар касалхонасининг педиатр врачи.

Қодирова Иноят — Сталин номидаги Тошкент кўн комбинатининг қирқувчиси.

Комарова Евдокия Афанасьевна — Тошкент темир йўли Урсатьевская станциясининг вагонларни кузатувчиси.

Макарова Зоя Андреевна — Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Свердлов номли колхознинг ротехниги.

Муҳаммаджонова Саломат — Тошкент электр-ремонт заводининг бош инженери.

Назирова Роза — Тошкент область, Янгийўл шаҳар шахсий пенсионери.

Ниёзова Фотима Ниёзовна — Тошкент шаҳар Киров райони шахсий пенсионери.

Русанова Ольга Денисовна — Тошкент шаҳар Ўрта Осиё Политехника институтининг кафедра профессори.

Сагдеева Зулфира Залялов на — Тошкент шаҳар Средазтрансстрой 8-қурилиш участкасининг бўёқчиси.

Свешникова Евстолия Константиновна — Тошкент ҳарбий госпитали терапевтика бўлимининг бошлиғи.

Тихонова Мария Даниловна — Тошкент тўқимачилик комбинати читга гул босиш фабрикасининг бош инженери.

Торопкина Антонина Львовна — Тошкент область, Оржоникидзе райони СоюзНИХИ Оққовоқ марказий агротехника станцияси ўғит бўлимининг раҳбари.

Цибизова Анна Ивановна — Тошкент Марксизм-ленинизм кечки университетининг директори.

Шерешевская Роза Генриховна — Тошкент шаҳридаги Ҳамза номли музика мактабининг ўқитувчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Обидова Жаҳон — Тошкент тамаки фабрикасининг директори.

Авшарова Мария Петровна — Тошкент шаҳридаги Навоий номли Давлат кутубхонасининг бош библиографи.

Азимжонова Сабоҳат Азимжоновна — Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти директори.

Акбарова Унсуной — Тошкент область, Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхознинг сут соғувчиси.

Алиева Дилора Қосимовна — Тошкент шаҳридаги Октябрь район комсомол комитетининг биринчи секретари.

Арутюнова Амалия Арамовна — Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг цех бошлиғи.

Аҳмедова Матбуа Амерсаидовна — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари.

Охунжонова Ҳуринисо — Тошкент область, Гулистон районидаги Максим Горький номли 6-ўрта мактабнинг ўқитувчиси.

Бағдасарова Татьяна Александровна — Тошкент шаҳридаги лойиҳалаш ташкилотининг бош инженери.

Бобрина Клавдия Григорьевна — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари.

Бродова Анна Ивановна — Тошкент шаҳридаги Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари.

Восиқова Мамлакат — Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг ўринбосари.

Волина Анастасия Ефимовна — Тошкент область, «Малик» совхози ишчилар комитетининг раиси.

Волкова Елена Васильевна — Туркистон ҳарбий округи штабининг стеклографисти.

Ғаниева Қутби — Тошкент шаҳридаги 24-мактабнинг ўқитувчиси.

Гринчук Елизавета Николаевна — Тошкент шаҳар сиёсий маориф уйининг мудири.

Деҳқонбоева Саҳобат — Тошкент область, Бўка районидаги Вильямс номли колхознинг звено бошлиғи.

Евдокимова Елизавета Аркадьевна — Тошкент шаҳридаги трамвай маршрути бошлиғи.

Егорова Мария Федоровна — Тошкент шаҳридаги шахсий пенсионер.

Ерофеева Евдокия Григорьевна — Тошкент шаҳри Киров райпищеторги 4-магазинининг сотувчиси.

Зиёмуҳаммедова Маъсуда — Тошкент шаҳридаги 4-типолитографиясининг печатниги.

Зупарова Муҳаббат — Тошкент шаҳри, Калинин районидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи.

Зуҳра Семеназар Аскар қизи — Тошкент кимё-фармацевтика заводи кимё цехининг бошлиғи.

Иногамова Ойниса — Тошкент шаҳридаги Давлат банки Калинин район бўлимининг старший кассири.

Қосимова Марҳамат — Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 3-участка халқ судьяси.

Кенжаева Марҳамат — Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги Охунбобоев номли маҳалла комиссиясининг раиси.

Коваленок Аделаида Павловна — Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 18-мактабнинг ўқитувчиси.

Кравченко Елена Васильевна — слесарь.

Кузнецова Евдокия Петровна — Тошкент область, Янгиобод районидаги Красногорск поселка поликлиникасининг мудири.

Лисова Ольга Васильевна — Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги шахсий пенсионер.

Мазуркевич Мария Петровна — Тошкент область, Бўка районидаги «Кўкорол» поселка Советининг раиси.

Маҳкамова Қамара — Тошкент область, Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари.

Михаилида Мария Фотис — Тошкент шаҳридаги 1-тикув фабрикасининг тикувчиси.

Мусахонова Ҳадича Раимовна — Тошкент область партия комитетининг секретари.

Наринская Эмилия Александровна — Тошкент шаҳридаги мактабгача тарбия 10-болалар уйининг директори.

Никольская Вера Павловна — Тошкент шаҳридаги Марказий телеграф телефонистлар бригадасининг бошлиғи.

Павлова Анастасия Владимировна — Тошкент шаҳар Киров район партия комитетининг инструктори.

Перелишева Антонина Васильевна — Тошкент область, Чирчиқ шаҳар кутубхонасининг мудири.

Петропула Урания Яннис — Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати 2-тўқувчилик фабрикасининг браковщиги.

Пискорская Надежда Петровна — Тошкент шаҳар Ленин район ижроия комитетининг раиси.

Пўлатова Миновар — Тошкент область, Сирдарё районидаги 15-тўлиқсиз ўрта мактабнинг директори.

Рачинсиэя Евгения Валериановна — Тошкент Олий партия мактабининг ўқитувчиси.

Рубан Зинаида Яковлевна — Тошкент шаҳар Куйбишев ошхона ва ресторанлар трести 24-ошхонасининг бош ошпази.

Сошенко Елена Никифоровна — ҳарбий мактаб шофери.

Тоҳирова Саодат — Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Сталин номли артелнинг кашта тикувчиси.

Тошпўлатова Шарофат — Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг сут соғувчиси.

Терентьева Мария Ивановна — Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 107-мактабнинг директори.

Хан Анна — Тошкент область, Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз каноп экувчи бригадасининг бошлиғи.

Цветкова Тамара Ефимовна — Тошкент область, меҳнаткашлар депуталтлари Олмалиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

Шомуротова Малика Юсуповна — Тошкентдаги 2-тикув фабрикасининг тикувчиси.

Шарипова Онахон — Тошкент шаҳар Октябрь район Маданият уйининг директори.

Шульгина Надежда Ивановна — Тошкент темир йўл транспорти инженерлар институти марксизм-ленинизм кафедрасининг мудири.

Яншина Валентина Матвеевна — Тошкентдаги «Ташкенткабель» заводи касаба союз завод комитетининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Самарали ишлаганликлари учун, Ўзбекистон ССР нинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашганликлари учун ҳамда Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартнинг 50 йиллиги муносабати билан республиканинг илғор хотин-қизларидан 568 киши Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Мукофотланганлар орасида саноат корхоналари ва совхоз ишчилари, колхозчилар, фан, маданият ва санъат арбоблари, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ходимлари бор.

МУСОБАҚАДОШ ФАРҒОНАЛИКЛАР АНИҚЛАГАН КАМЧИЛИКЛАР ТЕЗДА БАРТАРАФ ҚИЛИНСИН!



Оржоникидзе районидаги «XXI партсъезд» совхозида бир неча миллион туп эртаги карам, помидор ва бошқа сабзавот кўчатлари тайёрланди. Совхознинг 2-бўлимнинг ишчилари чиринди тувакчаларда кўплаб эртаги карам кўчатларини етиштирдилар. Суратда: чиринди тувакчаларини тайёрлаш пайти. Х. Ҳайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Юксак мажбуриятга яраша ишлаш керак

Фарғона область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси аниқлаган камчиликлар

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, бу йил 475 минг тонна пахта, 30 минг тонна гўшт, 50 минг тонна сут, 11 миллион дона тухум, 1500 тонна жун тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

Илғор хўжаликларда кўкламги экиш кампаниясига ўтган йилларгига нисбатан анча пухта, уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилаётир. Бизнинг ўзаро текшириш бригадамиз Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли, «Политотдел», Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда», Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» ва бошқа қатор хўжаликларнинг ибрат олса арзийдиган ишларини кўриб хурсанд бўлди.

Шунинг билан бир қаторда ўзаро текшириш бригадаси аъзолари бир қанча камчиликларни ҳам аниқладилар. Аввало шуни айтиш керакки, кўп колхоз ва совхозларда шу маҳалгача экин майдонлари аниқланмаган. Областнинг бирорта хўжалигида ҳам комплекс механизациялашган бригадалар учун технологик карталар тузилмаган. Янги ерларни ўзлаштириш ишлари сust бораётир. Ҳозиргача пландаги 16884 ўрнига фақат 5382 гектар ер ўзлаштирилган. Янгидан очилган бу ерларда шўр ювиш ишлари ҳам қониқарсиз олиб борилмоқда. Сирдарё районида 1800 гектар пахта майдонининг шўри ювилмаган. «Фарҳод» совхозида эса шўр ювиш ишлари ўтказилмаган.

Кўклам экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказишнинг энг муҳим шартларидан бири техникани ўз вақтида тайёрлаб қўйишдир. Шу мақсад билан белгиланган муддатлар аллақачон ўтиб кетди, техника бўлса кўкламги дала ишларига ҳамон тайёр эмас. Чиноз ва Сирдарё районларида тракторлар ва сеялкалар ремонти бошқа районлардагига қараганда ҳам ёмон аҳволда.

Чиноз районидаги «Коммунизм» колхозида мавжуд 22 чопиқ тракторидан 11 таси кўкламга тайёр деб кўрсатилган. Текшириш натижасида бу тракторларнинг фақат 4 таси ишга яроқли эканлиги аниқланди. Хўжаликда 12 пахта териш машинасидан 6 таси тайёр деб айтишди. Ҳақиқатда эса фақат 3 машина ремонт қилинган.

Бекобод районидаги «Победа», Пискент районидаги Ворошилов номли, Гулистон районидаги «Красная заря» ва бошқа колхозларда ҳам техника ремонти жуда ёмон.

Экиш олдидан ерни яхши тайёрлаш мўл ҳосил гарови эканлиги пахтакорларга аён. Шундай бўлишига қарамай айрим районларда ҳанузгача ер ҳайдаш тамомланмаган. Бунга Янгийўл районини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Шунингдек, Сирдарё районида 800 гектар, Пискент районида 1100 гектар, Чиноз районида эса 3 минг гектардан ортиқроқ ер ҳанузгача ҳайдалгани йўқ.

Эрта кўкламда ерни бороналаш ерда нормал намни сақлаш ва ташланган чигитнинг қисқа муддат ичида бир текисда униб чиқишида катта роль ўйнайди. Бироқ областнинг кўпгина колхоз ва совхозларида бу ишга етарли эътибор берилмайтир. Масалан, 2-«Далвазин» совхозида 4550 гектар ердан эндигина 1100 гектари бороналанган. Бўка районидаги колхозларда ҳам аҳвол мана шундай.

2 миллион тонна гўнг тайёрлаш планлаштирилган экан. Шу кунгача далага 869 минг тонна гўнг чиқарилган, холос. Маҳаллий ўғит тўплаш ва уни далага чиқариш ишлари айниқса Сирдарё ва Бўка районларида талабга жавоб бермайди. Гулистон районидаги «Ленинизм» колхозида фақат 15 тонна гўнг тайёрланганлигини алоҳида кўрсатиб ўтмай иложи йўқ.

Шунингдек, станциялардаги базаларда ҳам, колхоз ва совхозларнинг ўзларида ҳам минерал ўғитларни сақлашга етарли эътибор берилмаётир. Масалан, Мирзачўл станциясида жуда кўп миқдордаги минерал ўғит очиқ-очиқ ётибди. Бўстонлиқ районидаги 14-ва Янгиер шаҳридаги 1-ва 3-«Боёвут» совхозларида ва бошқа бир қанча хўжаликларда ҳам аҳвол ана шундай.

Областда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ишлари яхши ташкил қилинмаган. Заҳарли дорилар ва уларни сепадиган аппаратлар тайёрланмаган.

Квадрат-уялаб чигит экишга кадрлар тайёрлаш кўкламги экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказишни таъминлайдиган муҳим шартлардан биридир. Бироқ колхоз ва совхозларда шу маҳалгача чигит экиш агрегатлари учун экипаж аъзолари шай қилиб қўйилмаган. Айрим хўжаликларда даланинг ўзида амалий машғулотлар ўтказилмаётир. Чиноз, Оржоникидзе, Янгийўл, Бекобод, Қуйи Чирчиқ районларида экипаж аъзолари режа сими тортиб чигит экиш бўйича зарур бўлган билим ва тажрибаларга эга эмаслар.

Областда сабзавотчилик ҳам катта ўрин тутади. Шундай бўлишига қарамай эртаги сабзавот экинлари ва картошка экишга жуда қониқарсиз тайёргарлик кўрилган. Масалан, Калинин районидаги колхоз ва совхозлар 945 гектар ерга эртаги картошка экишлари керак эди. Аммо 3 мартгача бу иш фақат 166 гектар майдонда бажарилди. Бўстонлиқ районидаги «Чирчиқ» колхозида парник хўжалиги ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Оржоникидзе районидаги сабзавотчи хўжаликларда ҳам ана шундай камчиликлар бор.

Областнинг кўпгина хўжаликларида чорвачиликка алоҳида эътибор берилмоқда. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Калинин районидаги Карл Маркс номли, Сталин номли колхозларда ва «Оққўрғон», «Малик», 4-«Вревский» совхозлари ва бошқа хўжаликларда бу соҳадаги ишлар яхши йўлга қўйилган.

Бироқ областда чорвачиликни ривожлантиришга етарли эътибор бермаётган, топширилган планларни бажармаётган хўжаликлар ҳам кам эмас. Сирдарё районидаги Ленин номли колхозда январь ойида пландаги 28 ўрнига 25 тонна, февраль ойида 33,5 ўрнига 23 тонна сут соғиб олинган. Чиноз районидаги «Коммунизм» колхозида бу йил 78 тонна сут тайёрлаш лозим бўлгани ҳолда 1 мартгача 3,5 тонна сут соғиб олинди, холос.

Бўка районидаги Вильямс номли колхозда тайёрланган дағал хашаклар соғин сигирларга майдаланмасдан берилаётир. Оқибатда унинг 50—60 процента ошхўрга чиқиб кетмоқда.

Кўпгина чорвачилик фермаларида меҳнатни ташкил қилишга етарли эътибор берилмайди. Масалан, «Тошкент» совхозида қорамолларни боқиш учун керагидан ортиқча ишчи кучлари ажратилган. Оқибатда маҳсулот таннархи қимматга тушаётир.

Юқори Чирчиқ районидаги «Узбекистон» колхозида чўчқа гўштининг таннархи жуда қиммат. Шу нарса аниқландики, бу хўжаликда бир килограмм чўчқа гўшти 37 сўм 10 тийинга, Жамбул номли колхозда 41 сўмга, «Октябрь» колхозида 28 сўмга, Калинин районидаги Ленин номли колхозда эса 73 сўм 56 тийинга тўғри келади.

Паррандачилик ҳам қониқарсиз ривожлантирилаётир. Бунинг учун бир тухумнинг нархи 2 сўм, ҳатто ундан ҳам ортиб кетаётганлигини мисол қилиб кўрсатишнинг ўзи кифоя.

Областда колхозлараро бўрдоқичилик базалари ташкил қилинмаган.

Шуни ҳам айтиш керакки, жуда кўп хўжаликларда чорва молларига ветеринария хизмати кўрсатиш қониқарсиз ташкил қилинган. Шунинг оқибатида қатор хўжаликларда, жумладан Бўка районидаги Вильямс номли колхозда бузоқлар ва чўчқа болалари лишай касали билан оғриган. Лекин бу касални даволаш чоралари кўрилмаётир. 3-«Боёвут» совхозида чўчқаларда қичима касали пайдо бўлди.

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўзлари олган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган барча имкониятларга эгадирлар. Кўпгина илғор хўжаликларнинг тажрибалари ва улар эришаётган ютуқлар бунга ишонч ҳосил қилади. Ҳозирги кунда хўжаликлар чигит экишга тайёргарлик кўриш, чорвачиликни ривожлантириш соҳасида йўл қўйилган барча камчиликларни қисқа муддат ичида тугатишлари керак. Область партия ташкилотлари бу вазифани бажариш учун етарли куч ва тажрибага эга.

Фарғона область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг топширғи билан: Г. ТЕРЕШХАНОВ — Фарғона область ижроия комитети раисининг ўринбосари, бригада бошлиғи, П. ГАЙДУКОВ, В. ПАРТНЕНКО, Т. СОДИҚОВ — бригада аъзолари, Я. ГУМЕННИЙ — «Ферганская правда» газетасининг махсус мухбири.

КЎПЛАБ ГЎШТ ТОПШИРИЛМОҚДА

КАЛИНИН. Райондаги «Тошкент» совхозининг чорвадорлари давлатга гўшт етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини тўла бажариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу йил совхоз бўйича 155 тонна гўшт тайёрланиши керак. Шу мақсад билан 200 га яқин қорамол, 150 бош чўчқа ва 2200 ўрдак семиртириб боқилмоқда. Ҳар бир қорамол кунига 650 граммдан семираяпти. Совхоз шу кунгача давлатга 40 тоннадан ошириб гўшт топшириб, биринчи квартал планини ортиғи билан бажарди.

Райондаги Охунбобоев номли колхозда 10-синфни тамомлаган 38 қиз сутчилик фермасида ишлаш хоҳишини билдирди.

О. ИСКАНДАРОВ, И. ҲАМИДОВ.

Беш минг литр учун

ЧИНОЗ. Етти йилликни муддатидан илгари бажарамиз, аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича АҚШ га етиб оламиз, «Қизил Октябрь» колхозининг ҳар бир чорвадори шу кеча-кундузда ана шу мақсадда ишламоқда. Колхознинг моҳир сут соғувчиси Ўртоқ Мария Борсакова ўтган йили 14 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4000 килограммдан сут соғиб олган эди. У бу йил ўзаро социалистик мусобақага қўшилиб 5000 литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқда.

Ғ. ТУРСУНХЎЖАЕВ.

Мўл ҳосил усталари даласида

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг ўртоқ Ш. Фатхуллаев бошлиқ бригада аъзолари бу йил 75 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экиб, ҳосилини машина билан теришга аҳд қилганлар. Шу мақсад билан барча ер кузда шудгор қилиниб, текислаб қўйилган. Ҳозиргача 370 тоннадан ортиқ гўнг тайёрланиб, чуқурларда чиритилмоқда.

Маҳаллий ўғит тайёрлаш ва уни далага чиқаришда С. Тожиев, В. Абдураҳмонов ўртоқлар бошқаларга намуна бўлиб ишладилар. Бригада ер атрофидаги барча ариқларни тозалаб, тахт қилиб қўйди.

Колхоз секретари ўртоқ А. Ҳусамиддинова машҳур механизатор Турсуной чақиригига қўшилиб пахта териш машинасида ишлашга қарор қилди. Шунингдек, унинг дугоналари Р. Нуруллаева, Т. Аҳмедова, М. Умарова ўртоқлар ҳам Ҳусамиддинова ташаббусини маъқуллаб, колхоз правлениесига ариза топширдилар. Ҳозир булар 2-РТСда очилган курсда ўқимоқдалар.

Киров номли колхознинг 13-бригада аъзолари ҳам мўл ҳосил учун курашни кучайтириб юбордилар. Бригада механиги ўртоқ Б. Шеремет бригадага жуда катта ёрдам берди. У бузуқ машинани ремонтдан чиқариб, далага 200 тоннадан ортиқ гўнг ташиб чиқарди. Бригадада маҳаллий ўғит тайёрлаш янада кучайтирилди.

Қ. СОБИРОВ, А. ИНОҒОМОВ, М. ШУКУРОВ.

Буёғи ҳай-ҳай, уёғи бай-бай

Ўрта Чирчиқ районидаги ўртоқлар «Энгельс номли колхоз пахта тайёрлаш планини ошириб бажарибди, пахтанинг ўзидан 8 миллион сўм даромад олипти» деган хабарни эшитиб беҳад хурсанд бўлдилар.

Йиллик ҳисобот-сайлов йиғилишига тўпланган колхозчилар ҳам бундан мамнун бўлдилар. Колхоз раиси А. Кусаевнинг оғзи қулоғига етди. Лекин...

Мана шу лекин ҳақида гап юритила бошлаганда раиснинг ҳам пешонаси тиришди, колхозчилар ҳам ҳайратда қолишди. Бунга сабаб шу эди:

Колхозда бир томонлама иш олиб борилган эди. Колхоз раҳбарлари хўжаликнинг ҳамма тармоқларига ҳам бир хилда раҳбарлик қилмадилар. Айниқса чорвачиликка эътибор бермай қўйган эдилар, натижада чорвачилик соҳасидаги планлар бажарилмай қолди.

Ўтган йили колхозда планда кўрсатилганига 991 бош қўй, 111 бош чўчқа, 382 бош совлиқ етмади.

Колхозда чорва молларидан бола олиш плани ҳам анча кам бажарилди. 112 бош сигирдан 64 бош бузоқ, 1222 бош ўрнига 765 бош қўзи, чўчқалардан 336 бош ўрнига 234 бош бола олинди.

Чорвачиликка колхоз раҳбарлари бефарқ қараганлари учун сут, гўшт, жун каби маҳсулотлар тайёрлаш планлари ҳам бажарилмай қолди. Ҳатто 655 центнер сут, 5,71 центнер жун бозордан сотиб олиниб давлатга топширилган.

Бу ерда чорва маҳсулотларининг камайиб кетишига мустаҳкам емхашак базаси вужудга келтирилмагани сабаб бўлган. Натижада ўтган йили 1958 йилдагига нисбатан ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 200 литрдан камайиб кетган.

Ўтган йили колхозда 600 гектар ерга дон экилган бўлса, шундан 70 тонна ҳосил олинган, холос. 110 гектар ердаги бугдой ўроққа ҳам илинмаган. Шунингдек, ўртоқ М. Тошматов бошлиқ бригадада 4 гектар ердаги қовундан планга нисбатан 60 процент, 2 гектар ердаги картошкадан бор-йўғи 5 тонна ҳосил олинди.

Бу колхозда қишлоқ хўжалик артели устави қўпол равишда бузилган. Колхозга ҳеч қандай алоқаси йўқ 72 киши томорқа олиб фойдаланган. Колхоздаги 83 киши томорқасидан ташқари колхознинг 11 гектар еридан ғайри-қонуний равишда фойдаланиб келган.

Колхоз омборчиси А. Абдуллаев 600 килограмм бугдой, 865 килограмм ёғ ва бошқаларни ўзлаштирган. Колхозда шу каби аҳволлар юз берган ҳолда тафтиш комиссиясининг раиси Султонов ҳеч иш қилмаган. Қўйлар қўзилаётган маҳалда тафтиш комиссияси унинг тепасида бўлмаган. Шу туфайли жуда кўп қўзи нобуд бўлдига чиқарилган. Шунинг учун умумий мажлисда қатнашган колхозчилар пахтачилик, пиллачилик соҳасидаги ютуқларни эшитиб «буёғи ҳай-ҳай», чорвачилик соҳасидаги сўзларни эшитиб «уёғи бай-бай экан» дейишди.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

ГЎШТ, СУТ МЎЛ БЎЛСИН ДЕБ...

ПИСКЕНТ. Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда озуқа базасини мустаҳкамлаш энг муҳим омиллардан биридир.

— Биз, — дейди Жданов номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ М. Абдуллаев, — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг машҳур жўхорикори Ли Любовь ташаббусига қўшилиб, 130 гектар ернинг ҳар гектаридан 1000 центнердан кўкпоя, 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан маккажўхори дони етиштириш учун курашмоқдамиз.

Шунингдек, «Пискент» совхозининг 1-бўлимида ҳам чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда айниқса сутчилик фермасидаги ишлар яхши йўлга қўйилган. Сут соғувчилардан Қўйди Қодирова ва Қумри Кибаровалар ҳар бош соғин сигирдан 3500 литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқдалар.

М. НОРИНБОЕВ, Н. ҚАМБАРОВ.

ТЕХНИКАНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Гулистон районидаги «Социализм» совхози коллективи бу йил 2470 гектар ерга режа сими тортиб чигит экишни планлаштирди. Қолган бир қисм майдонларга оддий усулда экилган чигитлар униб чиқиши билан ғўза қатор оралари икки томонлама парвариш қилинади. Бундай катта ишни бажариш учун техника етарли. Фақат малакали механизатор кадрлар кўп бўлса бас. Шунинг учун совхозда техникани ўрганиш курслари, тўгараклари ташкил қилинган.

Шу кунларда 30 та чигит экадиган агрегат мавсумга тахт қилиб қўйилди. Энди шу агрегатларда ишлайдиган кишилар билан машғулот ўтказилаётир.

Бу йил совхознинг ўртоқ Н. В. Мун бошқарувчи бўлган бўлим пахтакорлари пахта майдонини 1070 гектарга етказдилар ва ҳосилдорликни 30 центнерданга етказиш мажбуриятини олдилар. Шу сабабли бу бўлимда ҳам техникани ўрганиш, уни кўкламги экиш мавсумига тахт қилиб қўйиш ишлари қизғин бораётир.

Райондаги Крупская номли ва «Ленинград» колхозларида бу йил 80—85 процент майдондаги ғўза кетмонсиз парвариш қилинади. Ҳозирги кунда чигитни квадрат-уялаб экиш учун хизмат қиладиган агрегатларда ишлайдиган 80 киши ўқимоқда. Колхоз агрономи ўртоқ Ҳомид Йўлдошев ва бошқа мутахассислар ўқувчиларга агротехника тадбирларини изчиллик билан тушунтириб бормоқдалар.

«Ленинград» колхозида ҳам шундай ишлар қилинмоқда. Шунинг билан бирга колхоз аъзолари чигитни ўз вақтида экиб уни барвақт ундириб олиш мақсадида техникани ремонт қилиш, маҳаллий ўғит тўплаш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларига зўр бермоқдалар. 50 та сеялка ва 54 та универсал ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Т. МАМАТҚУЛОВ, З. НОРМИГИТОВ, А. МИРСАИДОВ, А. САИДҚУЛОВ.

Истиқболли пункт

Қорасув пахта тозалаш пункти 4 колхоз ва 1 совхозда етиштирилган пахта ҳосилини қабул қилади ва тозалайди. Шунинг билан бирга бу пункт областнинг 4 райони учун 108—Ф, С—47—27 сортли уруғлик чигитлар тайёрлаб беради.

Бу йил пункт жами 2823 тонна чигитни дорилаб колхоз ва совхозларга юбориши керак эди. Ҳозиргача бу ишнинг 80 процента бажарилди.

Ҳозир пунктда 25 та транспортер, 79 та мотор бор. Шунингдек қуритиш-тозалаш ва дорилаш цехлари ишлаб турибди. Келгуси йилларда Қорасув пахта тозалаш пункти янада кенгаяди. Ҳозирнинг ўзидаёқ пункт коллективи қоп-қанорсиз келтирилган пахталарни тортиб олиш учун 20 тоннагача юк кўтарадиган тарози қурабошлади. Шунингдек улар пахтани қабул қилиб олиш, чигитлаш, уруғликни дорилаш, уларни жўнатишга ҳозирлаш сингари ишларнинг ҳаммасини тўла механизациялаштирмоқдалар. Пунктнинг истиқболи порлоқ.

Р. ОТАҚУЛОВ, Н. БАРКАШЕВ.



Мирзачўлдаги Жанубий Мирзачўл канали энг катта сув тармоқларидан ҳисобланади. Канал Фарҳод ГЭСидан бошланиб Мирзачўл бўйлаб 90 километргача чўзилади. Бу 9000 гектар ерга сув чиқариш имкониятини беради. Суратда: бульдозерлар билан канал қазиш пайти.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Бедадан юқори ҳосил олиш учун

Ўзбекистонда беда ҳосилининг каттагина бир қисми турли хилдаги касалликлар ва ҳашаротларнинг зарари туфайли нобуд бўлади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, беданинг биринчи ўримида кўп ҳолларда 20 — 30 процент ҳосил йўқотилади. Бу тақдирда ҳосил анча камайиб кетиши билан бирга йиғиб олинган беданинг сифати ҳам анча ёмонлашади. Чунки унинг таркибидаги жир ва оқсил моддалари камайиб кетади. Бундай беда ҳайвонларни семиртирмайди. Айрим ҳолларда эса уларни касаллантиради.

Беда ҳосилининг камайишига сабаб бўладиган зараркунандаларнинг биттаси беда филчасидир. Бу ҳашарот қиғаниш тусда бўлиб, катталиги 7 — 9 миллиметрдан ортмайди. Унинг тумшуқлари узун. беда ҳосилини кўплаб нобуд қилиш учун жуда мосланган.

Беда филчаси иссиқлик 12 — 15 градусга етиши билан ер юзасига чиқиб, ўсиб келаётган барглари кемира боштайди. Орадан 7 — 8 кун ўтгач улар тухум қўядилар. Шунинг хавфлиги, беда филчаси жуда тез кўпаяди. Ҳар бир она ҳашарот 2500 дона атрофида тухум қўяди. Тухумдан чиққан ҳашаротлар ҳам барров беда баргига ёпишиб олиб, уни кемириш орқали овқатланадилар. Оқибатда беда саргайиб ўсишдан тўхтайди. Ҳосилнинг каттагина қисми нобуд бўлади.

Беда ҳосилининг бу хилда нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун шу кунларда ҳашаротга қарши курашни ҳам шу тадбир билан бирга қўшиб ўтказиш мумкин. Бунда ишнинг қуйидаги тартибда бажарилишига эътибор бериш керак: Айтайлик, бир гектар ерга 150 — 200 килограмм фосфор солинадиган бўлса, бунга 60 килограмм миқдорида 12 процентли гексохлоран дусти аралаштирилади. Ҳар иккала модда яхшилаб қоришитирилиб, беда зорга сепилади. Шундай қилинганда иккинчи иш бир варакайига бажарилиб, анча вақт ва меҳнат ҳам тежалади.

Беда филчасига қарши кураш озиқлантиришдан олдин алоҳида ўтказилса «ОУН-4-6», «ОНК» ва «ОТП» сингари тракторга тиркаладиган аппаратлардан фойдаланиш лозим. Унда ҳам юқорида кўрсатилган нормада гексохлоран дусти чанглатиш орқали сепилиб, кейин беда зорлар бороналанади. Ҳозирги кунда Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз механизаторлари беда филчасига қарши курашни озиқлантириш иши билан биргаликда қўшиб ўтказмоқдалар. Ўтган йилларда ҳам бу тажриба яхши натижалар берган эди. Колхозда беда ҳосилининг нобуд бўлишига йўл қўйилмай, чорва моллари учун мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилганди. Областимизнинг бошқа колхоз ва совхозлари ҳам бу тажрибага амал қилсалар яхши бўлади.

А. ТУЕҚМЕРГЕНОВ, Оржоникидзе РТСнинг агроном-энтомологи.

60Х60 схемасида

Ўртоқ Ашур Тоғаев бошчилик қилаётган бригада аъзолари ўтган йили 130 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан салкам 35 центнердан ҳосил етиштирган эдилар. Улар ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун курашиб бу йил ер майдонини кенгайтириш, ҳосилдорликни оширишга қарор қилдилар.

Колхознинг бир чеккасида кўп йиллардан бери сув ҳам, экин ҳам кўрмаган бир тепалик бор. Колхозда бу ерни «Ҳўкиз ариқ» дейишади. Бригада аъзолари ана шу тепаликдан 20 гектар ер ўзлаштириб яхшилаб текисладилар. Ҳозир бу ерга ҳам бемалол сув келадиган бўлди.

Бригада бошлиғи ўртоқ А. Тоғаев пахтачиликни комплекс механизациялаш ва ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш мақсадида ўз билимини оширмоқда. Яқинда у колхозда ташкил қилинган 1,5 ойлик курсни тамомлаб механизаторлик касбини эгаллади.

— Турсуной Охунова, Валентин Тюпко ва Мелиқўзи Умрзоқов сингари илғор механизаторларнинг иш тажрибаси менда механизацияга нисбатан катта ҳавас уйготди, — дейди бригадир.— Биз бу йил 70 гектар ерга 60х60 схемасида чигит экамиз, Ғўзани кетмонсиз парвариш қиламиз. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтарамиз. Олтмишинчи йил учун шундай мажбурият олдик.

Шу кунларда бригада даласида иш қизғин. Техника ремонти, ариқзовурларни тозалаш ишлари тамомланган. Ҳозир карталарни текислаш, маҳаллий ўғит тўплаш ишлари қизғин бораётир.

Х. РАСУЛЕВ, Янгиер шаҳридаги «Коммунизм» колхози.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ, 1960 ЙИЛ, 9 МАРТ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК МАРРАЛАРИГА ТЕЗРОҚ ЭРИШАМИЗ!

Тошкент Совнархози партия-хўжалик активининг йиғилиши

Илгари хабар берилганидек, 5-мартда Тошкент иқтисодий-маъмурий районининг партия хўжалик активи йиғилиши бўлди. Тўқимачилар Маданият саройида Тошкент машинасозлари, Бекобод металлурглари, Оҳангарон шахтерлари, Чирчиқ кимёгарлари, энергетиклар, цементчилар, тикувчилар ва бошқа касб эгалари, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг ходимлари, партия, совет, касаба союз, комсомол органларининг вакиллари учрашдилар. Улар бу ерга етти йилликнинг биринчи йили натижаларини муҳокама қилгани, биргаликда 1960 йил планини муваффақиятли бажариш йўлларини белгилагани келдилар. Йиғилиш қатнашчилари мусобақадош Иваново, Киев ва Фарғона иқтисодий райони меҳнаткашларининг вакилларини қизғин кутиб олдилар.

Гулдурос қарсаклар остида Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президиуми йиғилиш фахрий президиумига сайланади.

Докладчи — Тошкент Совнархозининг раиси **Н. В. Мартинов** ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар шу нарсани уқтириб ўтдиларки, етти йилликнинг биринчи йилида партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг тарихий қарорларини амалга оширишда катта ютуқлар қўлга киритилди.

Совнархоз корхоналари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари — 17 декабрда бажардилар. Халқ хўжалигига пландан ташқари кўп миқдорда металл, электр қуввати, минерал ўғитлар, экскаваторлар, электровакуум ва чала ўтказгич приборлар, дераза ойнаси, кондитер маҳсулотлари, ёғ, гўшт маҳсулотлари етказиб берилди. 1958 йилдагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 процент кўпайди. 1958 йилдагига нисбатан меҳнат унумдорлиги 5,9 процент ошди, бу планда белгиланганидан икки баравар ортиқдир.

Иш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқаришни янада ихтисослаштириш, янги техника ва прогрессив технологияни жорий қилиш натижасида ана шундай ютуқлар қўлга киритилди. Янги техникани жорий қилиш соҳасида амалга оширилган тадбирлар йилига ўрта ҳисобда 50 миллион сўм маблағни тежайди. 75 та поток технологик ва поток механизациялаштирилган линиялар, 29 та конвейер ва ярим автомат линиялар, 168 та махсус агрегат станоклар, 175 та автомат ва ярим автоматлар ишга туширилди. 3100 асбоб-ускуна модернизация қилинди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўтган йили Совнархоз корхоналарининг ишида жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилди. 9 корхона — плавик-шпат комбинати, «Ташсельмаш», керамик буюмлари заводлари ва бошқа корхоналар йиллик планни бажармадилар. Натижада мамлакат белгиланганидан 62 миллион сўмлик маҳсулотни кам олди. 25 корхона маҳсулот таннархини пландагидан 34 миллион сўм ошириб юборди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевнинг Ўзбекистон Компартияси XV съезди ишларида қатнашганлиги катта ва қувончли воқеа бўлди. Унинг республика экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш тўғрисида гамхўрлик билан суғорилган ёрқин нутқи, кўклам экиш кампаниясига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш, квадрат-уялаб экиш усулини янада кенг жорий қилиш, кетмондан батамом воз кечиш, пахта териш машиналарини яхши ўзлаштириб олиш ва шу асосда пахтачиликдаги қўл меҳнатини сиқиб чиқариш ҳақида берган маслаҳатлари бизнинг ҳаммамизни илҳомлантирди.

Ўзбекистон Компартиясининг съезди пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Етти йилликнинг иккинчи йилида олдимизда ғоят катта вазифалар турибди. Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарининг ишчидари, инженер-техник ходимлари партия XXI съезднинг тарихий қарорларини амалга ошириш учун қурашни янада авж олдириб юбориш мақсадида москваликлар ва ленинградликлар ташаббуси асосида етти йилликнинг иккинчи йили топширигини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилдилар. Ана шу ижодий кўтарилишга бошчилик қилиш — партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Музокараларда биринчи бўлиб В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи партия комитетининг секретари ўртоқ **Г. В. Винокуров** сўзга чиқади.

— Заводимиз ўзининг бутун тарихи давомида ҳеч вақт етти йилликнинг биринчи йилидагидек яхши ишламаган эди. Йиллик давлат плани муддатидан илгари — 4 декабрда бажарилди. Етти йилликнинг иккинчи йилини ҳам яхши бошладик. Январь, февраль ойлари топшириғи пўлат эритиш бўйича ҳам, прокат тайёрлаш бўйича ҳам муддатидан илгари адо этилди. Шу йилнинг ўтган икки ойи мобайнида печларнинг ҳар квадрат метр тубидан олинган пўлат 9,6 тоннани ташкил этди. Вақоланки, Совет Иттифоқи қора металлургиясининг ихтисослаштирилган заводларида бу кўрсаткич 7,86 тоннани ташкил этади.

Ҳар бир корхонада ҳам ускуналар вақт ўтиши билан эскириб қолади, уларни янгилари билан алмаштириш зарур. Лекин бизда ана шу тадбирлар учун маблағ йўқ. Биз бундай планлаштириш практикасини нотўғригина эмас, балки шу билан бирга зарарли ҳам деб ҳисоблаймиз.

«Ташсельмаш» заводининг директори ўртоқ **Е. А. Белов** ўз нутқини пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларга бағишлади.

— 1959 йилда, — деди нотиқ, — завод белгиланганидан 800 дан зиёдроқ пахта териш машиналарини кам ишлаб чиқарди. Эндиликда бу соҳада корхона ишида тубдан бурилиш ясалди. Икки ойлик топшириқ ортиғи билан бажарилди.

Ўртоқлар, Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди пахта йиғим-теримини машиналаштириш масаласини ҳар тарафлама муҳокама қилди ва пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни илгари кўзда тутилган 30 мингдан 46 мингга етказиш ҳақида қарор қабул қилди. Коллективимиз ана шу қарор асосида ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқди ва 1960 йилда пландан ташқари 530 та, шу жумладан йиғим-терим кампаниясигача 400 та пахта териш машинаси тайёрлаб бериш юзасидан ўз зиммасига социалистик мажбурият олди. Бунга эришиш учун корхонани зарур материаллар билан таъминлашни тартибга келтириш, ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва цехларни реконструкциялаш асосида уларни янада ихтисослаштириш соҳасида катта ишлар амалга оширилиши лозим.

Ялангочдаги ичи ғовак блоклар заводининг қолиплаш цехи мастери ўртоқ **А. Коралев** Совнархозининг бинокорлик материаллари саноати бошқармасини бу янги корхонага нисбатан нотўғри муносабатда бўлаётганлиги учун танқид қилди. Завод лойиҳаси, — деди ўртоқ Коралев, — пухта ўйлаб тузилмаган, бунинг устига қурилиш ишлари ҳаддан ташқари чўзиб юборилди. Шунинг натижасида ҳали яқиндагина ишга туширилган корхонада аскириб қолган асбоб-ускуналар ишламоқда, технология процесси ҳам талабга жавоб бермайди.

Сўз электр ремонт заводининг бош инженери ўртоқ **С. Муҳаммаджонова**га берилади. Нотиқ завод коллективи 1959 йилда социалистик мажбуриятни шараф билан бажарганлиги, етти йилликнинг иккинчи йилини ҳам яхши бошлаганлиги ҳақида гапиради.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қишлоқ хўжалигида электр қувватидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Етти йилликнинг контроль рақамларида 1965 йилга бориб қишлоқ хўжалигида электр қуввати истеъмол қилишни тўрт баравар кўпайтириш мўлжалланган. Электр қувватидан фойдаланишнинг кўпайиши электр установкаларининг кўпайишига, жумладан электр двигателлар, генераторлар, трансформаторларнинг кўпайишига боғлиқдир. Завод коллективи 1960 йилда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун кетадиган электр двигателларнинг ҳажмасини тежаб қолинган мис ҳисобига ремонт қилиб бериш мажбуриятини олди.

Чирчиқ электр кимё комбинати партия комитетининг секретари ўртоқ **С. Ёқубов** корхонада реконструкция ишларининг бориши ҳақида сўзлаб берди.

— КПСС Марказий Комитети май Пленумининг ва партия XXI съезднинг қарорлари асосида, — деди у, комбинат шу етти йилликда табиий газ асосида ишлашга ўтиши, ишлаб чиқариш қувватини янада ошириши керак. Реконструкция ишлари «Чирчиқхимстрой» ташкилотига топширилган. Лекин у ўз зиммасидаги вазифани яхши бажармаётир, ускуналарни ўрнатиш ва ишга туширишда ишлари ҳаддан ташқари чўзиб юборилмоқда.

Ўртоқлар, Иваново Халқ хўжалиги кенгашига қарашли Заводжск кимё заводининг коллективи бизни социалистик мусобақага чақирибди. Чирчиқ электр кимё комбинатининг коллективи бу чақириқни қабул қилади ва Заволжск заводининг меҳнатсевар коллективига қизғин салом йўллайди.

Оҳангарон шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **А. Г. Батигин** ўз сўзида бу индустриал марказни янада ривожлантириш проблемаларига тўхталди. Шаҳардаги барча саноат корхоналарининг коллективлари етти йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақият билан бажардилар.

Лекин шу билан бирга, деди ўртоқ Батигин, ишимизда камчиликлар ҳам бор. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини суст амалга ошираётганлигимиз учун область партия конференциясида бизни ўринли равишда танқид қилдилар.

Киев Халқ хўжалиги кенгаши, хусусан Киев кўмир комбинати билан «Ўзбекуголь» комбинати ўртасида мусобақа йўлга қўйилиб, яхши иш қилинган эди. Киевлик шахтер ўртоқлар комбинатимизга бир неча бор келдилар. Лекин «Ўзбекуголь» комбинатидан Киев комбинатига бирорта ҳам бригада боргани йўқ. Бизнингча, икки ўртадаги мусобақани янада жонлантиришимиз, алоқаларни тағин ҳам мустаҳкамлашимиз зарур.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори ўртоқ **З. Абдуллаев** иқтисодий районимиздаги бу энг йирик корхона коллективи ўртасида ижодий ташаббускорлик авж одаётганлиги ҳақида гапирди.

— Ҳозир комбинатда, — деди ўртоқ Абдуллаев, — Валентина Гаганованинг 190 издоши бор. Биз ивановолик машҳур тўқувчи Юлия Вечерова ташаббусига катта эътибор бермоқдамиз. Вечерова издошларидан 405 тўқувчи ва йигирувчи ҳозирнинг ўзидаёқ ускуналарнинг иш унумдорлиги жиҳатидан 1965 йилга мўлжалланган даражага эришди.

Иттифоқимиздаги энг йирик тўқимачилик корхоналари: Ивановодаги меланж, Орехова, Глухова, Москвадаги Трехгорка, Ленинграддаги ва Херсондаги комбинатлар билан Тошкент тўқимачиларининг мусобақаси ишимизга катта ёрдам бермоқда. Эндиликда биз машҳур Иваново тўқимачилари билан бўлган алоқаларни янада мустаҳкамладик. Ивановоликлар комбинатимизни қуриш ва ишга туширишда даврида жуда катта ёрдам берган эдилар ва ҳозир ҳам ёрдам бериб келмоқдалар. Бу ҳамкорлик аввало улуғ рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстликни тағин ҳам мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Ўртоқлар, ана шу юксак минбардан туриб, кўп минг кишилик Тошкент тўқимачилари коллективи номидан Иваново иқтисодий райони ишчилари вакилларини табриклашга ва шу вазиятдан фойдаланиб, бизга оғаларча ёрдам бериб келаётгликлари учун ивановоликларга яна бир бор ўзбекча каттакон раҳмат деб айтишга ижозат берингиз.

Суратда: (чапдан) Иваново область партия комитетининг секретари А. Смирнов, ССР Олий Советининг депутати Меркурьев ва Шуйск-тезинский Совнархози ип-газлама комбинати партия комитетининг инструктори Б. Брусиловский, Тошкент тўқимачилик комбинатининг С. Пўлатова, «Ивтекстильмаш» заводининг бош инженери С. фабрикасининг тўқувчиси З. Таланова саноати бошқармасининг бошлиғи К. Кокорин, Тошкент тўқимачилик комбинатининг бошлиғи К. Сергеева, Иваново область партия комитетининг тўқувчиси, Ўзбекистон ўртоқлар ўзаро суҳбат. И. Глауберзон фотоси.

Дўстлигимиз абадий

Иваново область партия комитетининг секретари ўртоқ А. СМИРНОВ сўзидан

Иваново меҳнаткашлари Тошкент иқтисодий райони меҳнаткашларининг 1960 йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақага чақирганлигини зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Бу мусобақа иқтисодий алоқаларимизни янада яхшилайди, халқларнинг бузилмас дўстлигини тағин ҳам мустаҳкамлайди.

Тошкент ва Иваново меҳнаткашлари қадим-вақтдан бери ўзаро дўстлик алоқаларида бўлиб келганлар. Ўрта Осиёдаги гражданлар урушида ивановолик тўқимачилар ва ўзбек халқининг энг яхши фарзандлари ёнма-ён курашганлар. Иваново тўқимачилари хомашё билан тўла-тўкис таъминлаб турганлари учун ўзбек пахтакорларидан миннатдордирлар. Замонавий машиналар етказиб бераётган Тошкент машинасозларидан ҳам ғоят хурсандмиз.

Ивановоликлар Тошкент тўқимачилик комбинатидек ҳозирги замонининг энг йирик корхоналаридан бирини бунёд этишда қатнашганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Шу сабабли ҳам мен зўр хурсандчилик билан серқуёш Ўзбекистоннинг пойтахт Совнархози корхоналари меҳнаткашларига ивановоликларнинг қардошлик саломи ва энг яхши тилакларини топшираман.

Иваново область завод-фабрикаларининг меҳнаткашлари ўтган йилни меҳнатда ажойиб муваффақиятлар билан якунладилар. Пландан ташқари 550 миллион сўмлик маҳсулот берилди.

Коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олиш учун курашаётганлар сафи кун сайин кенгаймоқда. Етти йиллик марраларига тезроқ етиш ташаббусини бошлаб берган Юлия Михайловна Вечерованинг номи бутун мамлакатга тарқалди. Ҳозир 12 минг ишчи меҳнат унумдорлиги бўйича 1965 йил даражасига эришди.

Қадрли ўртоқлар, сизларнинг социалистик мусобақага чақирганларингиз корхоналаримиз коллективлари ўртасида янги активлик уйғотди. Иқтисодий районимиз меҳнаткашларининг топшириғига мувофиқ, зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз, деб сизларни ишонтиришга рухсат этинг.

Алоқаларимизни мустаҳкамлайлик

Киев Совнархози бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. ШИНКАРЕВ сўзидан

Дўстлик алоқаларимизнинг йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлигини кўриш биз учун айниқса қувончлидир.

Бутун мамлакат етти йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлади. Бу ишга Киев иқтисодий районининг меҳнаткашлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Йиллик план муддатидан илгари 19 декабрда бажарилди, пландан ташқари бирнеча юз миллион сўмлик маҳсулот берилди.

1959 йилда машина, механизм ва приборларнинг 350 янги хили яратилди, саноат маҳсулотининг 400 янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида 600 та йирик тадбир амалга оширилди, 130 та поток, автомат ва конвейер линиялари ишга туширилди.

Иқтисодий райондаги корхоналаримизни қайта қуроллантириш планига мувофиқ етти йиллик мобайнида 898 корхона реконструкция қилинади, 150 дан ортиқ комплекс механизациялашган ва автомат цехлар, 200 та участка барпо этилади. Шунингдек биз ишлаб чиқариш процессларн комплекс механизациялашган 16 завод ташкил этишни мўлжалламоқдамиз.

Ҳеч шубҳа йўқки, бизнинг ўртадаги алоқаларимиз бундан кейин ўзининг яхши самараларини беради.

Ўзаро ёрдам — муваффақиятлар гарови

Фарғона Совнархози раисининг ўринбосари ўртоқ А. ШЧЕРБАКОВ сўзидан

Барча совет халқи каби Фарғона иқтисодий районига қарашли саноат корхоналарининг коллективлари ҳам етти йилликнинг иккинчи йилида социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар.

Бизнингча ўзаро техника ёрдами кўрсатишни яхшилашимиз керак. 1960 йилда ўзаро ёрдам бригадалари фаолиятини янада кучайтиришимиз лозим, бу ўзаро тажриба алмашишни тезлаштиради ва бир қатор техника масалаларини ҳал қилишни енгиллаштиради.

Фарғона иқтисодий райони саноат корхоналарининг ходимлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун бор куч, билим ва тажрибаларини сафарбар этадилар.

* * *

Шунингдек музокараларда Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари **С. М. Веселов**, Бекобод цемент комбинатининг ходими **Қ. Фармонов**, «Ўзгидроэнергострой» бош инженери **Н. Вавилов**, Самарқанд Халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари **Н. Косенко** ўртоқлар қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ **А. Н. Рудин** нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишларида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **О. А. Алимов**, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари **Ф. Е. Титов** ва **М. А. Абдуразоқов**, ВЦСПС секретари **А. А. Булгаков**, Тошкент область партия комитетининг секретари **А. М. Илюхин**, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Қ. М. Муртазоев** ва Ўзсовпроф раиси ўртоқ **С. Н. Нуриддинов** ўртоқлар қатнашдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетига ғоят баланд руҳ билан табрик хати қабул қилинди.

1960 йил учун олинган социалистик мажбуриятдан

Йиллик планни муддатидан илгари 22 декабрда бажариш.

Меҳнат унумдорлигини пландаги 6,5 процент ўрнига 8,3 процент ошириш. 1964 йилдаёқ етти йилликнинг охирги йили даражасига белгиланган даражага етиш имконини берадиган ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш.

Иккита пахта тозалаш заводини автоматлаштириш, 20 та цех ва участкани комплекс механизациялаш, 90 та поток механизациялаштирилган ва конвейер линияларни ишга туширишш, 3700 та асбоб-ускунани модернизациялаш. 89 та янги машина ва приборлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш

68 миллион киловатт-соат электр қувватини, 1800 тонна рангли металлни тежаш

Пахтачиликни комплекс механизациялаш учун машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни 30 процент кўпайтириш.

Чет элларда

СССР халқларининг Шарқ мамлакатлари халқлари билан дўстлиги мустаҳкамланмоқда

Чет эл жамоатчилиги ва матбуоти СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига қилган визитининг якунларини қизғин маъқулламоқда.

ХИТОЙ

Хитойнинг марказий матбуоти СССР пойтахти меҳнаткашларининг Москва Спорт саройида ўтказилган митингида Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган нутқини босиб чиқарди. «Жэньминь жибао» ва «Дагун бао» газеталари Совет ҳукумати бошлиғи нутқининг батафсил баёнини эълон қилдилар. Пекин газеталари СССР Министрлар Совети Раисининг Ҳиндистон, Бирма, Индонезия ва Афғонистонга қилган сафари ғоят фойдали ва самарали бўлди, деб якдиллик билан таъкидламоқдалар. Газеталарнинг ёзишича, бу визит Совет Иттифоқи халқларининг тинч-тотув яшаш асосида Шарқ халқлари билан дўстлиги ўсиб, мустаҳкамланиб бораётганлигини, халқаро кескинликни янада юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш учун биргаликда кураш олиб боришга қатъий қарор берганликларини яна бир марта намойиш қилди.

Хитой Халқ Республикасининг марказий халқ радио станцияси Н. С. Хрушчев нутқининг мазмунини бир неча марта эшиттирди ва бу нутқнинг Совет Иттифоқи халқаро кескинликни янада юмшатиш, низоли масалаларни тинч ҳал этиш йўлларини бошқа давлатлар билан биргаликда қидириб топишга қатъий қарор берганлиги тўғрисида гапирилган қисмини алоҳида уқтириб кўрсатади.

БЕРЛИН

Берлиннинг демократик газеталари Совет ҳукумати бошлиғининг Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига қилган сафари тамом бўлганлиги тўғрисидаги ва унинг Москва меҳнаткашлари митингида нутқ сўзлаганлиги тўғрисидаги хабарларни босиб чиқардилар. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг органи «Нейес Дейчланд» газетаси ана шу нутқ тўғрисидаги хабарни: «СССР юксак доирада ўтказиладиган кенгашнинг муваффақият қозониши учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўради» деган сарлавҳа остида эълон қилди. Хабарда бундай дейилади: Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистон, Бирма, Индонезия ва Афғонистонга қилган сафари тинч-тотув яшаш асосида Совет Иттифоқи халқларининг Шарқ халқлари билан дўстлиги мустаҳкамланиб бораётганлигини яна бир марта намойиш қилди.

«Берлинер цейтунг» газетаси Индонезия халқи, шунингдек Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги халқлар Совет Иттифоқининг озодлик ва инсонпарвар бахти учун курашдаги, тинчлик учун курашдаги ролига юксак баҳо бераётганликларини таъкидлайди. Шарқ халқлари, деб уқтириб ўтади газета, социалистик давлатларнинг ҳеч қандай ғаразли мақсадлари йўқ эканлигини, улар мустақиллик йўлига ўтиб олган барча мамлакатларга амалда ёрдам бераётганликларини ўз тажрибалари асосида кўриб турибдилар.

АФҒОНИСТОН

Афғонистон газеталари Н. С. Хрушчевнинг «Ғози» стадионида ўтказилган оммавий митингда сўзлаган нутқини, унинг Баҳром аэродромида сўзлаган нутқини, Совет ҳукумати бошлиғининг Афғонистонда бўлиши тўғрисидаги репортаж ва фотосуратларни босиб чиқардилар. «Ислоҳ» газетаси Совет-Афғонистон ахборотини қуйидаги катта сарлавҳа остида эълон қилди: «Афғонистон бош министри ва Совет Иттифоқи бош министрининг қўшма ахборот Пуштунистон масаласида ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини тўғри принцип деб топди. Подшо ҳазрат олийлари ва бош министр Совет Иттифоқига келиш тўғрисидаги таклифни қабул қилдилар. Ҳарбий пактларга қўшилмаслик сиёсати халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам беради». Газета ҳурматли совет меҳмонининг Афғонистондан жўнаб кетиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳам босиб чиқарди ва Совет Иттифоқига бағишланган мақолаларни эълон қилди.

ҲИНДИСТОН

Ҳиндистоннинг марказий газеталари Н .С. Хрушчевнинг Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига қилган сафари муваффақиятли тугалланганидан кейин Москва меҳнаткашлари митингида сўзлаган нутқининг мазмунини эълон қилдилар. Газеталар Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистон бош министри Ж. Неру билан учрашувларим ва суҳбатларим Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш ва дўстона муносабатларни тағин ҳам мустаҳкамлашга ёрдам беради, деган сўзларини алоҳида уқтириб кўрсатади.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ

Қоҳира газеталари Н. С. Хрушчевнинг Москвага қайтиб келганлиги тўғрисидаги ва унинг Москва меҳнаткашларининг Спорт саройида ўтказилган митингида сўзлаган нутқи тўғрисидаги хабарларни босиб чиқардилар. «Ал-Аҳром» газетаси шу воқеа тўғрисидаги хабарни: «Ҳарбий блокларга қўшилмаслик сиёсати тинчликни мустаҳкамлашга олиб боради» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. «Ал-жумҳурия — Гаридат Аш-шаоб» газетаси Н. С. Хрушчевнинг Москва Спорт саройида сўзлаган нутқининг батафсил баёнини эълон қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди: «Хрушчев айтадики, империализм мустамлакачилар ҳукмронлигидан озод бўлиб, ўз қоматини ростлаб олаётган мамлакатларнинг тараққиётини орқага бурибдолмайди».

«Ижишн газет» газетасида Н. С. Хрушчевнинг Москва меҳнаткашлари митингида сўзлаган нутқи ҳақида босилган хабарда бундай дейилади: «Совет Иттифоқининг бош министри Осиёдаги тўрт мамлакатга қилган визитидан Москвага қайтиб келди ва ўз сафари тўғрисида ҳисоб берди. У тўла ишонч билан айтдики, Совет Иттифоқи Шарқ билан Ғарб ўртасида май ойида юксак доирада ўтказиладиган кенгашнинг муваффақият қозониши учун қўлдан келган ҳамма чораларни кўради». (ТАСС).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ДЎСТЛИГИ КЕЧАСИ

УЛАН БАТОР, 7 март. (ТАСС). Монцамэ агентлиги хабар беради: Кеча бу ерда физкультура ва спорт саройида халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартнинг 50 йиллигига бағишланган катта дўстлик кечаси ўтказилди. Бу кечани Мўғулистон хотин-қизлари комитети, Мўғулистон Халқ Республикаси касаба союзлари марказий совети ва Мўғулистон Революцион ёшлар союзи марказий комитети ташкил этди. Бу кечада Халқаро хотин-қизлар кунининг 50 йиллиги байрамида қатнашиш учун Мўғулистон хотин-қизлари комитетининг таклифига мувофиқ, бу ерга келган совет ва хитой хотин-қизлари делегацияларининг аъзолари ўз дугоналари билан биргаликда иштирок қилдилар.

Кечада Мўғулистон хотин-қизлари комитетининг раиси Свянжма нутқ сўзлади.

КУБА РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ҒАЛАБАЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛАРИЛИК

ГАВАНА, 7 март. Гавана портида юз берган портлашлар натижасида 94 киши ўлганлиги, 220 киши ярадор бўлганлиги илгари хабар қилинган эди. Куба ҳукуматининг фавқулодда мажлисида ана шу ҳалокат натижасида ўлган ва меҳнат қобилиятини йўқотган кишиларнинг оилаларига бир йўла нафақалар бериш ва уларга пенсиялар тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ҳукумат мажлисидан кейин президент Дортикос радио ва телевидение орқали нутқ сўзлади.

НЬЮ-ЙОРК, 7 март. (ТАСС). Америка матбуоти бундай деб ёзади: Ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатларида Куба революцион ҳукуматига ва ана шу ҳукумат томонидан амалга оширилаётган тадбирларга тазиқ қилиш кампанияси кучайиб бормоқда.

Юнайтед пресс интернейшнл агентлиги Қўшма Штатлардаги расмий доираларга асосланиб, дипломатик муносабатларни узиш ва бошқа репрессиялар билан таҳдид қилмоқда.

«Нью-Йорк таймс» газетаси бундай деб ёзади: «Президент Эйзенхауэр Латин Америкаси бўйлаб қилган сафаридан 7 мартда қайтиб келганда, у АҚШ нинг Кубага нисбатан сиёсати ҳақидаги масала юзасидан жиддий қарорлар қабул қилиш фойдасига тобора ўсиб бораётган тазиқка дуч келади». Газета Кубага қарши иқтисодий тадбирлар қабул қилиниши мумкин. деб ёзади.

Кўчат- ўтказиш ойлиги

УСТОЗ ВА ШОГИРД БОҒБОНЛАР

Клим Петровични Сталин номли колхоз аъзоларигина эмас, балки бутун Янгийўл район меҳнаткашлари танийдилар ва ҳурмат қиладилар. Ёши 70 га етиб қолган бўлса ҳам, ҳали бақувват, юзидан қизил аримаган, оппоқ соқолли бу нуроний кекса етиштирган хилма-хил кўчатдан атроф қишлоқдагилардан олиб экмаган киши кам.

Ҳурматли Клим Петровичнинг қўлидан олиб эккан олма, олхўри ва анор кўчатларим ўтган йили ҳосилга кирди, — дейди Стаханов номли 17-ўрта мактабнинг ўқитувчиси ўртоқ Х. Бозоров. Ўз участкаларида кекса боғбон берган кўчатлардан боғ ҳосил қилиб, унга чин қалбларидан миннатдорчилик билдираётганлар юзлаб топилади.

Сталин номли колхозидаги ўтган йили ҳосилга кириб 461,5 центнер мева берган 2,5 гектар боғни ҳам, 396 центнер узум олинган 11 гектар токзорни ҳам ана шу соҳибкор Клим Петрович эккан, парвариш қилган. 1959 йилнинг ўзида колхоз боғдорчиликдан 206 минг, узумчиликдан 177,5 минг сўм даромад олган экан, бунда ҳам шу нуроний кексанинг катта ҳиссаси бор. 13 гектар майдонни эгаллаб ётган янги боғдан бу йил биринчи ҳосил олиш умиди бор.

Клим Петрович ёш ниҳолларни қандай қунт ва меҳр билан парвариш қилса, ёшларнинг ҳам боғбон бўлиб етишувига шундай жон куйдиради. Бундан бир йил олдин отага шогирд тушган Рустам Улуғов ҳозир колхоз кўчатзорида хилма-хил мевали ва манзарали дарахт кўчатларини етиштиришда ўз устозига ёрдам бераётир. Колхоз кўчатзорида етиштирилган 8600 туп терак, 25000 туп тол кўчатлари колхоз кўчалари ёқасига, жамоат бинолари рўпарасига, дала шийпонлари атрофига экиб қўйилди. Бу кўчатлардан етишадиган манзарали дарахтлар яқин бир-икки йил ичида қишлоқ қиёфасини янада яшнатиб юборади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини ҳамда боғбонларнинг область кенгаши материалларини устоз ва шогирд боғбонлар қунт билан ўрганиб чиқдилар. Бу ҳужжатлар уларни яна ҳам зўр ғайрат билан ишлашга руҳлантириб юборди. Колхоз правленеси билан келишиб, улар 1960 йилда 20 гектар ерда янги мевазор боғ, 2 гектар ерда токзор яратишга аҳд қилдилар. Ўзларига ёрдамга келган колхозчилар билан бирга Клим Петрович ва Рустамжон 4 гектар ерга турли мева кўчатлари, 1 гектар жойга ток кўчатлари ўтказиб қўйдилар. Бундан ташқари 0,75 гектар майдонга эртапишар олма ва шафтоли уруғи экилди.

Колхоз бойлигига барака киритаётган, дастурхонни нознеъматлар билан безатишга ҳисса қўшаётган кекса боғбон Клим Петрович Рузановдан ҳам, унинг шогирди Рустамжон Улуғовдан ҳам колхозчилар ҳар қанча миннатдор бўлса арзийди.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.

Қуйи Чирчиқ районидаги 45-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиларини яшил бойлик дўстлари дейишади. Улар мактаб боғига экилган турли мевали ва манзарали дарахтларни меҳр билан парваришлаётганлар. Суратда: (чапдан) 9-синф ўқувчилари Зина Галиева ва Галина Пилипченко мактаб боғидаги дарахтларни оқламоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

Ўрта Чирчиқ район марказида 3,5 гектар ер ажратилиб, маданият ва истироҳат боғи барпо қилинмоқда. Бу боғни кўкаламзор қилаётган район коммунал хўжалик бўлими шу кунгача 15 минг туп ҳар хил кўчат ўтказди. Суратда: район коммунал хўжалик бўлимининг ишчилари кўчат ўтказмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

БИЛАКДАГИ ЖАРОҲАТ

Анзират опа йиғинга кириши билан бир уй аёл уни ҳурмат билан қарши олишди. У ҳамма билан самимий кўришди, ҳаммасига ўзига муносиб гап топар, ўғил-қизининг номини атиб бир-бир сўраб чиқарди. Унга юқоридан жой кўрсатишди. Аёллар суҳбати яна ҳам қизиб кетди. Улар ўз байрамлари 8 Март кунини нишонлаш учун йиғилишган.

Анзират опанинг ёнгинасида ўтирган ёшгина жувоннинг кўзи Анзират опанинг билагидаги буришиб турган жароҳат изига тушиб қолди. У бир оз тикилгач:

— Опа, бу пичоқ изими? — деб сўраб қолди. Анзират опа маъноли қилиб бош қимирлатди-да;

— Ҳа, бунга роппа-роса 23 йил бўлди. Жаҳолат, нодонликдан қолган из бу, қизим.

Суҳбатга Башорат опа аралашди.

— Анзират, ўша пайтда ўртоқларингнинг паранжисини ташлатиб, ўқитаман деб тортган машаққатларингдан бир шингил сўзла, — деди у.

— Бўлмаса аввал пичоқ воқеасини айтай, — чуқур тин олгач гап бошлади Анзират опа. — Кечки пайт. Охирги дарсни тугатиб хотин-қизларга жавоб бериб юбордим-да, шу куни дарсга келмаган бир жувоннинг уйидан хабар олай деб тор кўчага кирган ҳам эдим икки киши қаршимдан чиқишди-ю, важохат билан:

— Шошма, мегажин, сени йўқ қилмасам хотинларимизни тинч қўймайсан шекилли, — деди-да, ёнимга яқинроқ келиб қолди. Унийг қўлида пичоқ ярқираб турганини кўриб қолдим, жон ҳолатда «дод» деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Шу пайтда у пичоқни менинг кўкрагимга санчишни мўлжаллаган экан, қўлим билан тўсмоқчи бўлганим учун пичоқ билагимга қадалди, қадалди-ю ерга тушди. «Дод» овозимни эшитгач атрофдан одам йиғилиб қолди Кимдир унинг қўлидаги пичоқни уриб туширган экан. Мен билан овора бўлган одамлар қотилнинг бир нафасда ғойиб бўлганини сезмай қолишди...

Шу ерга келганда Анзират опа ҳикоясини тўхтатиб билагидаги каттагина жароҳат изига тикилиб:

— Бу ўша кунларнинг доғи, мана энди бу доғлар аллақачон ювилиб кетди.

Тошкентдаги «Бирлашган» (қор ёғди) маҳалласида хотин-қизларнинг паранжи ташлашга, илм-маърифатга даъват этган актив қурашчи Анзират опа Ахророва ҳақли равишда:

— Мен бахтиёрман, — дейди, — чунки мен ўзбек хотин-қизларининг бугунги озод, қувноқ ҳаётини қўлга киритиш учун оз бўлса ҳам ҳисса қўшаолдим.

Ф. УСМОНОВА.

Янги институтда шарқ мамлакатлари вакиллари ҳам ўқишади

Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультети ва республика педагогика билим юрти базасида пойтахтимизда ўзбек мактабларининг юқори синфлари учун рус тили ўқитувчилари тайёрловчи институт ташкил этишга қарор қилинди.

Рус тили ва адабиёти педагогика институтининг биринчи курсига янги ўқув йилида 250 студент қабул қилинади. Шундан кейинги йилларда студентлар қабул қилиш бу миқдорга нисбатан икки баравар кўпайтирилади. Янги институтда Ўрта Осиё республикалари ёшларинигина эмас, балки шарқ мамлакатлари ёшларини ҳам тарбиялаш мўлжалланмоқда. Олий ўқув юртида кўпгина кафедралар билан бирга ўзбек тили кафедраси ҳам ташкил қилинади. Бу кафедра қиёсий грамматика курсини олиб боради.

Ҳозир республика маориф министрлиги институт учун ўқув планларини ишлаб чиқиш, қўлланмаларни нашрга тайёрлаш ва ўқитувчи кадрлар танлашга киришди. (ЎзТАГ).

УҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИДА

«Мактабни турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш» тўғрисидаги янги Қонунга биноан шаҳардаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили бу ерда 103 та группада 2780 киши ўз малакасини оширган эди. Бу йил эса 130 та группа ташкил қилиниб, турли фан ўқитувчиларидан 4 мингга яқин кишининг малакасини ошириш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари фанлар бўйича алоҳида семинарлар ташкил қилинади. Бу семинарга пионерлар саройи ва пионер уйлари ҳузуридаги тўгаракларнинг раҳбарлари ҳам таклиф қилинади.

Бу йил уй ишлари, электротехника, қишлоқ хўжалик асослари каби ўқувчиларни меҳнатга ўргатувчи янги предметлар бўйича ҳам малакали семинарлар ташкил қилинади. Институтда ана шу янги предметлар учун махсус кабинетлар жиҳозланмоқда.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ТАЙЁР МАСАЛЛУҚ

Пойтахтимизнинг Госпитальний бозоридаги Фрунзе район ошхоналар трестига қарашли 1-чайная яхши ташаббус бошлади. Бу ерда овқатга керакли ҳамма масаллуқларни бир қилиб тайёр ҳолда сотиш йўлга қўйилди. Аёлларнинг меҳнатини осонлаштирадиган бу метод харидорларга маъқул тушди.

Ш. Қосимов.

ЁШЛАР ЛЕКТОРИЙСИ

Ўзбекистон ССР Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамияти Бўстонлиқ район бўлими билан биргаликда Сойлиқ қишлоғи ёшлари учун лекторий очди. Бу лекторийга мактаб ўқувчилари ва қишлоқ ёшларидан 240 киши аъзо бўлди. Улар учун турли темаларда лекциялар ўқилади, концерт ва кинофильмлар кўрсатилади.

Р. Раҳимбердиев.

КАТТА МАРШРУТ

Меҳнаткашларнинг талаби билан Тошкент ва Красногорск ўртасидаги 40 километрлик йўл тузатилиб, транспорт қатнови бошланди. Бу йўлдан пассажир автобуслари қатнаши туфайли Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XX съезди» ва «Полярная звезда» колхози аъзолари учун ҳам қулайлик туғилди.

А. Қобулов.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Медик олимларнинг Фарғона шаҳрида ўтказилган кўчма илмий конференцияси икки кун давом этди. Конференцияда Тошкент медицина институти, ортопедия ва травматология институти олимлари ва Фарғона области врачларидан 150 киши қатнашди. Конференцияда совет медицинасининг муҳим проблемаларига бағишланган темаларда илмий докладлар тингланди.

А. Ким.

Дўст мамлакатга саёҳат

Яқинда республика касаба союз ходимларидан иборат касаба союз делегацияси Тошкентдан Деҳли орқали Жакартага самолётда жўнаб кетди. Делегатлар Индонезия пойтахти Жакарта, Жоқьякарта, Бандунг каби шаҳарларда бўладилар. Индонезия халқининг бой тарихий ёдгорликларини бориб кўрадилар, ишчилар, касаба союз арбоблари билан учрашадилар ва касаба союз ташкилотларининг фаолияти билан танишадилар.

Делегация составида Сурхондарё область касаба союзлари советининг раиси Н. Абдуллаев, Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союзлари фабрика комитетининг раиси А. Ахмеджонов, медицина фанлари доктори, профессор Р. Худойбердиев ва бошқалар бор. Улар Индонезияда 18 кун бўладилар.

Т. ЗУФАРОВ.

РЕДАКЦИЯГА ЖАВОБ ҚИЛАДИЛАР

„Харидорлар талаби қондирилади“

Редакцияга келган хатларнинг бирида Фрунзе район пишчеторгига қарашли 5- магазинда сортли нонларнинг доимо бўлиб турмаслиги, айниқса ишчи-хизматчилар иш куни охирида ўзлари хоҳлаган сорт нонларни тополмасликлари айтилган эди.

Райпишчеторг директори ўртоқ М. Одилованинг редакцияга маълум қилишича, магазин мудири ўртоқ Павловскийга сортли нонларнинг доимо бўлиб туришини таъминлаш юклатилган. Райпишчеторгнинг старший товароведи ўртоқ Лузгинга бу магазиннинг ишини алоҳида контроль остига олиш ҳақида кўрсатма берилган. 3-нон заводи директори ўртоқ Солиховдан магазиннинг нон-булка маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туриш сўралган.

„Яхшибой аканинг ёмон қилиғи“

Яхшибой аканинг оти яхши-ю, лекин қилаётган иши яхши эмас, — деб бошланади редакцияга келган хатларнинг бирида, — Сирдарё район «Социализм» совхозининг 1-бўлимидаги 1-магазинда мудирлик қилаётган Яхшибой ака Хожиев кейинги вақтларда осон пул топиш йўлига ўтиб олди. Магазинга келган молларни прилавка орқасидан ёру-биродарларига жўнатиб, қолган молларни ошиқ нарх қўйиб сотди. Жумладан, магазинга келтирилган чойнак, пиёлаларнинг кўпини ошна-оғайниларига узатди, қолганининг эса нархини ошириб сотди.

Редакция юқоридаги мазмундаги хатни текшириш ва чора кўриш учун район ижроия комитетига юборган эди.

Хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди, магазин мудири Яхшибой Хожиев совет савдо қоидаларини бузгани, харидорлар ҳақига хиёнат қилгани учун ишдан бўшатилди.

ФАЛОКАТДАН ҚУТҚАРИЛДИ

24 февраль куни эди. Эрталаб Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг қўйлари турган бино томи узоқ вақт ёққан ёмғирдан сўнг ивиб, босиб қолди. Хона ичидаги қўйлар ҳеч қаёққа чиқиб кетолмади. Бу фалокатли ҳодисанинг устидан чиқиб қолган колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қ. Ҳайдаров югурганича шу яқиндаги Муқимий номли ўрта мактабга келиб, ёрдам сўради. Мактабнинг 30 дан ортиқ ўқувчиси бу ишга сафарбар қилинди. Ўқувчилар дарҳол ишга тушиб, қўйларни фалокатдан қутқардилар. Қўйхонадаги 475 та қўйнинг ҳаммаси омон қолди.

Ф. АЛИЕВ.

САВДО ТАРМОҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Кимёгарлар ва машинасозлар шаҳри Чирчиқда сўнгги вақтларда савдо тармоқлари анча кўпайди. Бир нечта кулинария магазинлари ва ошхоналар очилди. Электрокимё комбинати ва шаҳар марказидаги катта кулинария маҳсулотлари магазинлари шулар жумласидандир. Бу магазинлар хилма-хил ярим фабрикатлар билан савдо қилмоқда. Шунингдек, шаҳардаги 2- автобазада ҳам янги ошхона ишга туширилди. Бу ошхонага газ плиталари ўрнатилган.

«Чирчикторг» апрель ойида яна бир неча савдо тармоқлари очишга қарор қилди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Телевизор экранида

9 МАРТДА

19.30. Мультипликацион фильм — «Эпчиллар».

20.00. Ўзбек тилида адабий эшиттириш — «Моҳир рассом».

20.20. Рус тилида «Саломатлик йўлида» деган телевизион очерк.

20.35. Сўнгги ахборот.

20.55. «Етти йиллик план ҳақида ҳикоялар» (Ўзбек тилида).

21.15. Рус тилида «Бу қандай содир бўлди» деган киноочерк.

21.35. Бадиий фильм — «Беповён йўл».

23.05. «Пойтахтимиз меҳмонлари» циклидан эшиттириш ҳамда реклама ва эълонлар.

КУНИГА 350—400 ХАТ

Улуғ ёзувчи Максим Горький таъбири билан айтганда, китоб — билим манбаи. Шу туфайли нашр этилган ҳар бир янги китоб омма орасига тез тарқалади. Шундай вақтлар бўладики, айрим китоблар оммалашиб, унинг талабгорлари кўпайиб кетади, тўғрироғи китоблар ўқувчиларга етишмай қолади.

Бундай пайтда китобхонлар севимли китобларини сўраб иттифоқимиздаги «Китоб-почта» савдо бўлимларига хат орқали мурожаат қиладилар. Бўлимларда, албатта китобхонлар талаблари амалга оширилади.

«Китоб-почта»нинг Тошкент бўлими ҳам ўзининг кўп сонли клиентларига эга.

— Бўлимимиз кунига, — дейди бўлим мудири ўртоқ М. М. Мануилова, — 350—400 китобхондан хат олади. Буларнинг кўпчилиги мамлакатимизнинг турли шаҳар ва районларида яшовчи китобхонлардан келади.

Кейин ўртоқ Мануилова китобхонлардан олинган илтимосномаларнинг айримларини ўқиб берди.

«Мен ўзбек совет ёзувчилари асарларини қизиқиб ўқиб бораман, — дейилган эди николаевлик китобхон З. Минаков ёзган хатида. — Айниқса Шараф Рашидов, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфияларнинг китоблари менга жуда ёқади. Ёзувчи Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар» асарини рус тилида ўқиб чиққан эдим. Бу китобнинг иккинчи қисми ҳам ёзилганлигини менга айтишди. Кейинчалик шаҳримизга бу асарнинг «китоб-газета» ҳолидаги нашри келтирилди. Лекин асар тезда сотилиб тугатилганлиги учун уни олиб ўқишга муяссар бўла олмадим. Асарнинг Ленин мукофоти лауреати беришга тавсия этилганлигини газетадан ўқиб, унга бўлган қизиқишим таъсирида ҳам ортди. Ана шу китобдан менга юборишингизни сўрайман».

Бўлим ходимлари Т. Султонова билан Ҳ. Қаюмовалар заказ қилинган китобларни кўздан кечиришмоқда.

Ўзбек ёзувчиларининг янги асарларини сўраб, Донбасс, Симферополь, Магадан, Бошқирдистон, Тожикистондан ҳам кўпгина китобхон илтимос хати юборган. Улар А. Қаҳҳорнинг «Синчалак», И. Раҳимнинг «Чин муҳаббат» деган асарларини, «Минг бир кеча», Навоийнинг «Девонлар»ини юборишни илтимос қилганлар.

— Сўнгги икки йил ичида заказлар сони деярли икки баравар ортди, — деди бўлим мудири. — Фақат 1958 йилда биз клиентларга 32 минг дона, 1959 йилда эса 56 минг дона китоб юбордик.

«Китоб-почта» Тошкент бўлимига келаётган заказлар сонининг йил сайин ортиб бораётганлигининг сабаби билан қизиқдик.

— Бунинг учун бўлим ходимлари бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда, — жавоб берди заказ қабул қилиб олувчи Ҳ. Қаюмова, — биз заказ эгаларига китобларни юбораётганимизда Ўзбекистондаги нашриётларнинг яқин кунлар ичида босиб чиқарадиган китоблари рўйхатини ҳам илова қиламиз. Бордию, янги китоблар рўйхати нашриётда босиб чиқарилмаган бўлса, уларни қўлёзма шаклида ҳам ёзиб юборавермиз. Хуллас, бўлимимиздан китоб олаётган китобхонни республикамизда чиқадиган янги асарлар билан доим хабардор қилиб турамиз...

Бўлимга тўхтовсиз келиб турган хатлар ходимлар ғайратига ғайрат қўшмоқда. Чунки улар республикамиз ёзувчилари асарларига бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бораётганлиги билан фахрланадилар.

А. АЛИЕВ.

Бўлим ходими Т. Комилова келган заказлар билан танишмоқда.

В. Салов фотолари.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заллари ўрда

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 9/III да **Дилором** (билетлар сотилган), 10/III да **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/III да **Гамлет**, 10/III да **Оқпадар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/III да **Раис уйланармиш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 9/III да **Нина** ва **Александр Капитоновлар** раҳбарлигида **«Чангалзордаги ҳодиса»** номли атракцион ва янги программада тамошалар. Кеч соат 8 да бошланади.

Бир кўришда берилган кўнгил — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Адам одам бўлмоқчи — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Ленин йўлланмаси билан — НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 минутда ўзбек тилида).

Биз спартакиадада бўлдик (кундуз соат 1-25 минут, 3-50 минутда), **«Оққуш қўли» балети** (кундуз 12, 2-25 минут, 4-40 минут ва кеч 9 яримда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ТАМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА
ҳар куни
ХЎРЛАНГАНЛАР
номли янги кенг экранли рангли бадиий фильмнинг 1-серияси кўрсатилади.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
10 ва 11 мартда
«БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
концертлари
Концертда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Шаҳодат Раҳимова, Гулом Абдурахмонов**, V ва VI Жаҳон фестивалларининг лауреатлари **Клара Жалилова, Тамара Юнусова, Раъно Қурбонова, Зулайхо Раҳматуллаева, Эркиной Расулхўжаева, Қаҳрамон Дадаевлар** қатнашади.
Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар Концерт зали кассасида ҳар куни кундуз соат 12 дан, район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

Қоратош кўчаси, 73-уйда турувчи **Наиль Абдурахмонович Абдуллиннинг** Гуқулов кўчаси, 2-уйда турувчи **Фания Абдуллаевна** Ахсатовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 4-участка халқ судида кўрилади.

Самарқанд дарвоза кўчаси, Гулираъно проезди, 4-уйда турувчи **Камол Тожиевнинг** Ҳамза кўчаси, 107-уйда турувчи **Инобат Тожиевадан** ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 5-участка халқ судида кўрилади.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156 Маҳаллий ахборот бўлими — 34048. 132. Секретариат — 29040. 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р, 05105. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1548.